

## SON

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Тупроққалъа тумани Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиғи Р.Йулдошев бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Хива Стапарт плюс» МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи Ортиков Жасур Озодбосвич иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.03.2022 йилдаги ПҚ-172сон 2022 — 2026 йилларда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида қурилиш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга ошириш тўғрисидаги қарорига асосан «Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани Охунбобоев маҳалласида 1,1 км узунликда пилдалар йўлакчаси қуриш ҳамда 27 тунги ёритиш чироклари ўрнатиш ишлари» объекти бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР.

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

- қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади ва ишлаш учун шароит яратиб берилади.
- вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай тиндаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;
- беркигиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркигиладиган ишлар;
- шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани Охунбобоев маҳалласида 1,1 км узунликда пилдалар йўлакчаси қуриш ҳамда 27 тунги ёритиш чироклари ўрнатиш ишлари» объектининг қўзда тутилган лойиҳа бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган, электрон танлов натижасида аниқланган (2022 йил «17» ноябр даги № 59266-сон) баён билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва ҚҚС билан бирга пудратчининг бошқа ҳужжатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 367 000 000, 00 сўмини ташкил этгани. (уч юз олти миң етти миллион ) сўмини ташкил этгани.
4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:
- қурилиш қийматини қўпайтиришга етгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
  - ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
  - объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.
5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
6. Тегинли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга мувофиқ ишларни бажариш назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
  - қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;
  - қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
  - Буюртмачининг субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
  - қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитини, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирларни бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
  - қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;
  - мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегинли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналарни, транспорт воситаларни, аяқомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
  - мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
8. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларини (исполнительная документация) тўлиқ ҳажмда тақдим қилади.

## V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
- Объектга тегинли лойиҳа смета ҳужжатларини ўз вақтида тақдим қилади. лойиҳа смета ҳужжатлари бўлмаган ҳолда ўзаро келишиб далолатнома асосида ишлар бошланишига розилик беради. Бажарилган ишларни умумий ёки иш ҳажмларини кетма-кетлик билан қабул қилишга розилик беради.
  - уч кунлик муддат ичида «Пудратчи» томонидан тақдим қилинган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумот ҳисоб-варақ фактура» ни қўриб чиқади ва уни раемийлаштиради.
  - мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
  - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш. Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
  - Пудратчининг барча muroжаатларини уч кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
  - Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
  - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;
10. Буюртмачи мазкур шартномада қўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлиқ муқий жавоб беради. Пудратчи томонидан йўл қўйилган камчиликларни бир иш кунидан ошмаган ҳолда жойида оғохлантириб камчилик бартараф қилинади.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

11. Шартнома-томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.
12. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш муддатига мувофиқ ишларни бажаради.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР.

13. Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.
14. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 ( үчтиз ) фоиз миқдорида аванс ўтказиши

15. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш \_\_\_\_\_ иш кунин ичида амалга оширади.

16. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига катъий сарфланади.

17. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойининг охириг қўнигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактура» ўзи тузиб тақтим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

18. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос бўлади.

Буюртмачи объектдаги пудратчи иш ҳажмларини топшурғунга қалар қурилиш материалларини кўриб-лаш \_\_\_\_\_ ўз зиммасида қолдиради.

#### VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларини ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бугун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

21. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

22. Пудратчи Буюртмачининг манфиатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четта чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

23. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юридади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тавом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларни қабул қилиш олиниши, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқishi тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни \_\_\_\_\_ кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КҮЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАР

24. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

25. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўн вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

26. Агар томонлар икки ой ичида келишга олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### X. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

27. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши қурашиш бўйича қондаларга, шу жумладан амалдаги қонуналарга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ҳолимига нора бериш ёки нора беришга воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилишни лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини қафолатлайди.

28. Томонлар коррупцияга қарши қондалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидлиқ киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва муружаатни олган томон 10 (ўн) иш кунини мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

29. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион ҳавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

#### XI. КАФОЛАТЛАР.

30. Пудратчи:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Мажбуф нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

#### XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

31. Буюртмачи:

- шартнома қўчга қиргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўн вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қўнайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қону ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

32. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
  - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
  - қону ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
33. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.
34. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
35. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган зарарини, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
36. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қону ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

37. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонун ҳужжатларида ҳамда шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

38. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчиға топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдориди жарима тўлайди;

- Буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка қунида сабабсиз Пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдориди жарима тўлайди;

- шартномаға мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқландан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш тасдиқландан бош тортган сумманинг 5% миқдориди жарима тўлайди;

- шартнома шартларига мувофиқ тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдориди жарима тўлайди;

39. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкий жавобгар бўлади ва:

- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган қун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойнанинг охириг қуниға қадар тасдиқламаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдориди жарима тўлайди;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдориди жарима тўлайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишға топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдориди жарима тўлайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси томонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун қундан ортик бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдориди жарима тўлайди.

40. Агарда томонлардан бири ўз реқвизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини потўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар қунда иккинчи томонға ёзма хабар бермаса айбдор томон иккинчи томонға шартнома баҳосининг 0,1% миқдориди жарима тўлайди.

41. Бир томоннинг айби билан шартномани бекор қилишға тўғри келса, айбдор томон иккинчи томонға барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонуларда белгиланган тартибда.

42. Томонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги керак.

43. Томонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалға оширишға ҳақлидир.

#### ХІУ. ИМЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

44. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда найдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қелишувға эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судға муурожаат қилишлари мумкин.

#### ХV. АЛОХИДА ШАРТЛАР.

45. Мазкур шартнома имзолагандан кейин, мазкур шартномаға тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзинмалар, томонларнинг ўзаро қелишувлари ўз қучини йўқотадди.

46. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бироқ-бир учинчи томонға сотиш ёки бериш ҳуқуқига эға бўлмайди.

47. Мазкур шартномаға киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

48. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан қелиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномаға қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

49. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар қунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш сапасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришға ҳақлидир.

50. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги қелишилган суммаси меъёрий-қопун ҳужжатларига К.К.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта қўриб чиқилади.

51. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

52. Мазкур шартнома томонлар имзолаган қундан бошлаб қучға қиради ва барча кўзда тутилган шартнома шартлари тўлалигича бажарилушға қадар амал қилади. Шартноманинг амал қилиши муддати 2022 йил 31 декабрға

53. Мазкур шартнома бир хил юридик қучға эға бўлган 2 нусхала тузилди.

#### ХVІ. ТОМОНЛАРНИНГ БАШК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАПЗИЛЛАРИ.

БУЮРТМАЧИ:	ПУДРАТЧИ:
Тувроқкальк тумани Ободонлаштириш бошқармаси	“Хива Стандарт плюс” МЧЖ
Манзили: Тувроқкальк тумани Саҳоват маҳалласи	Манзили: Хива шаҳар Гулшан 2 маҳалласи Гулшан қучаси 102-үй
ШХР 100022860332217065200110010	Тел/факс: 91-999-21-09
ИНН 307302536	х/р 20208000205022416001
ОКЭД 90290	ИНН: 302512018
Молия вазирлиги Ғазначилиги Х/р . 23402000300100001010 ИНН 201 122 919	ИФУТ: 42110 ОКОНХ 61110
Тошкент шаҳар Марказий банк	Банк: Халқбанк Хива филиали
МФО 00044	МФО: 00811

  
Бошқарувчи  
(ИМЗО) Р.Йулдошев Ё.  
(Ф.И.О.)

  
Бошлик:  
(ИМЗО) Ж.Ортиқов.  
(Ф.И.О.)

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**RR8111382100**

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI (367 000 000 so‘mlik)**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: TUPROQQAL'A TUMANI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 23.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Tuproqqal'a tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**M.R.SADIKOVA**

23.11.2022

“Хоразм вилояти Тупроккаля туман Охунбобоев маҳалласида 1,1 км узунликда пиддалар йулакчаси қуриш ҳамда 27 тунги ёритиш чироклари урнатиш ишлари” буйича  
молиялаштириш ЖАДВАЛИ

№	Ишлар тури ва номи	Ҳажми бирлиги қиймати	2022 йил давомида бажариладиган ишларни молиялаштириш (минг сум)												Иш турлари буйича умумий қиймати (бир сум)
			I-чорак			II-чорак			III-чорак			IV-чорак			
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
	Жорий таъмирлаш ишлари	367 000 000,00											348 650 000	18 350 000	367 000 000

Буюртмачи:

Тупроккаля тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи



Р.Йулдошев

Ўқувчи:

“Хива Стандарт плюс” МЧЖ бошлиғи



Ж.Ортиқов

“Хоразм вилояти Тупроккаля туман Охунбобоев махалласида 1,1 км узунликда пидалар йулакчаси куриш ҳамда 27 тунги ёритиш чироклари уриштиш ишлари” буйича  
ишларни бажариш ЖАДВАЛИ

№	Ишлар тури ва номи	Хажм бирлиги қиймати	2022 йил давомида бажариладиган ишларни миқдори (минг сум)												Иш турлари буйича умумий қиймати (бир сум)
			I-чорак			II-чорак			III-чорак			IV-чорак			
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
	Жорий таъмирлаш ишлари	367 000 000,00												367 000 000,00	367 000 000,00

Тупроккаля тумани Ободоташтириш бунёдкорлиги бошлиғи  
Р.Йулдошев



“Хива Стандарт плюс” МЧЖ бошлиғи  
Ж.Ортиков

